



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 08 июнь

Кўрғонтепа туман

4-1705-2201/779-сонли иш

Кўрғонтепа туманлараро иқтисодий суди, судья Б.Сатвалдиев раислигида, судья ёрдамчиси Г.Дехқанованинг суд мажлиси котиблигида, аризачи - Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг жавобгар - " ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятининг банкдаги ҳисоб-рақами бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили - О.Сайдолимов (ишончнома асосида) иштирокиди Кўрғонтепа туманлараро иқтисодий суд биносида бўладиган очиқ суд мажлиси кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

" ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган. " ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил 1 чорак учун фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи жорий йилнинг шу кунига қадарли топширилмаганлиги сабабли, Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси судга ариза киритиб, " ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суднинг ажрими билан ариза иш юритишга қабул қилиниб, аризани кўриб чиқиш учун суд мажлисига тайинланган.

Суд мажлисида аризачининг вакили О.Сайдолимов аризани қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси ҳақида хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисида иштирок этмади ва аризачининг талабларига эътироз билдирмади. Иш материалларида суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи белгиланган суднинг ажримини жавобгарга тегишли тартибда етказилганлигини тасдиқловчи маълумот мавжуд.

Суд, аризачи вакилининг кўргазмасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни лозим топади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

Ушбу Кодекснинг 259-моддасига кўра, бир ой солиқ давридир.

Мазкур Кодекснинг 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида



турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнанинг йигирманчи кундан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Бирок, иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар " ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти 2022 йил 1 чорак учун фойда солиғи бўйича давлат солиқ хизмати органига ҳисобот тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисоб-варақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисоб-варақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилатган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисоб-варақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисоб-варақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисоб-варақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисоб-варақларга татбиқ этилмайди.

Анджон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 05 май кунги хабарномасида жавобгарга солиқ ҳисоботини белгиланган муддат ичида тақдим этиш сўралган.

Анджон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2022 йил 11 май кунги қарори билан жавобгар " ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисоб-варақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган.



2022 йил 11 май куни Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг жавобгар "ЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамиятига юборилган алоқа хатида, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисоб-варақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисоб-варақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасига кўра, банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Жавобгар томонидан ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органига топширилмаганлиги Андижон вилоят Давлат солиқ бошқарма бошлиғи ўринбосари томонидан имзоланган 2022 йил 25 майдаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан тасдиқланганлиги боис, суд аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 222-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Юқорида баён этилган ҳолатларга кўра Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 259, 273-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 215, 217 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар - " ЖЖЖЖЖЖЖЖ " масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларнинг чиқиш қисми ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйилсин.

" ЖЖЖЖЖЖЖЖ " масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклардаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисоб-варақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида Андижон вилоят судига апелляция шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Б.Сатвалдиев

